

“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Самарканд вилоят «Тоза худуд» ДУК  
С.Назаров  
“ 14 ” “ 11 ” 2022 yil

Самарканд вилоят «Тоза худуд» ДУК махсус кийим  
тикадиган ташкилотни танлаш буйича

# Танлов хужжатлари

БУЮРТМАЧИ: Самарканд вилоят «Тоза худуд» ДУК

Самарканд -2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ КИЙМАТИ

### 1.1 Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Номи	Миқдори
1	Махсус кийим	302 (комп)

1.2. Танлов қиймати 84 560 000 (Саксон тўрт миллион беш юз олтиш минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги тақифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Маҳсулт бўйича техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 8 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Самарқанд вилоят «Тоза ҳудуд» ДУК (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Самарқанд шаҳри

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танолов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) поргалига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозимю

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар маълумотлар “БУЮРТМАЧИ” ва “иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов ҳужжатларига қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “БУЮРТМАЧИ” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нархлар қисми, Танлов шартларига белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- фақат битта таклиф бериш мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларини ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигини а жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборат камида ўн кунга

узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюрномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Булим бошлик;  
Омбор мудири;



С.Назаров

Д.Мамиров